Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 17 (20.884) 1991 йил 24 январь, пайшанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ:

ТАСС, «Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирлари хабар берадилар

Республикамизда

САМИМИЙ ТАБРИК

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ БОҒОТ РАЙОНИДАГИ НАРИМОНОВ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КОЛХОЗНИНГ ДЕҲҚОНЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Сизларни колхоз ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан самимий табриклайман. Ўтган ўн йилликлар мобайнида колхоз аъзоларининг тинимсиз меҳнати туфайли хўжалигингиз кичик қишлоқ хўжалик артелидан кўп тармоқли ва юксак даражада механизацялашган йирик корхонага айланди.

Колхоз аъзолари бир неча авлоднинг қизғин ва саботматонат билан меҳнат қилганлиги туфайли жуда катта ютуқларга эришилди. Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, хўжалигингиз қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш, харид қилиш ва сотиш юзасидан режа топшириқларини мунтазам бажармоқда ва ошириб адо этмоқда, юқори даромад олмоқда, бу эса колхозчиларнинг турмуш фаровонлигини оширишга, энг муҳим ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этишга имкон бермоқда.

Наримонов номли колхоз меҳнаткашлари бундан буён ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш қувватларини оширишга, фан ва илғор тажриба ютуқларини бутун чоралар билан жорий этиш асосида иқтисодиётни мустаҳкамлашларига ишончим комил.

Барча эркак ва аёл деҳқонларга сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақият, шахсий ҳаётларида бахт-саодат тилайман.

Ўзбекистон ССР Президенти

И. А. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БОҒОТ РАЙОНИДАГИ НАРИМОНОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИ ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилгани, жамоа хўжалиги тузумини мустаҳкамлашда ва мўл ҳосилга эришишдаги катта хизматлари, ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун Хоразм вилояти Боғот районидаги Наримонов номли жамоа хўжалигининг қуйидаги ходимларига фахрий унвонлар берилсин.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор»:

Мадраҳимов Эгамберди — жамоа хўжалигининг аъзоси
Матчонов Оллоёр — механизатор
Очилов Йўлдош — бригада бошлиғи

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими»:

Қурбонов Амин — молбоқар
Нурметов Раҳимберган — бош муҳандис

Ўзбекистон ССР Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Аҳмедов Матчон — механизатор
Бекназаров Худойназар — жамоа хўжалигининг аъзоси
Бекчонов Комил — сувоқчи
Иброҳимова Бика — сут соғувчи
Қобулов Абдулла — жамоа хўжалигининг аъзоси
Мавлонов Жумабой — ферма мудири
Машарипов Рўзмат — дурадгор
Сапаев Мавлон — механизатор
Сапаев Саъдулло — механизатор
Сатторов Мадамин — жамоа хўжалигининг аъзоси

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил, 23 январь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

1. Фуқароларнинг СССР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 22 январида қабул қилинган қарорининг амал қилиш муддатини узайтириш масалалари юзасидан кўп сонли мурожаатларини инобатга олиб, минтақа ва республикадаги пул муомаласининг ўзига хос жиҳатларини назарда тутиб, Иттифоқ органлари билан келишилган ҳолда СССР Давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириш қуйидаги муддатгача чўзилсин:

— барча давлат, кооператив, жамоат корхоналари ва ташкилотлари учун 1991 йил 24 январь куни соат 13.00 га қадар;

— фуқаролар учун 1 февралга қадар;

— шунга мувофиқ комиссияларнинг ишлаш муддати 1991 йил 10 февралига қадар узайтирилсин.

2. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш республика комиссияси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 23 январь.

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига шарҳлар

Ўзбекистон ССР Президенти республика ҳудудида СССР Давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириш муддатларини узайтиришга қарор қилди.

Бу қарорнинг сабаблари қуйидагичадир.

Юртимизга хос бўлган хусусиятлар, миллий анъаналар, республикадаги турмуш тарзи туфайли аҳолининг кўпчилиги, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳоли тўйлар, маъракалар каби турли тадбирлар ва маросимларни ўтказиш, уй қуриш, томорқа участкаларига сарфлаш учун узоқ вақт мобайнида таом ва кийим-кечакдан тежаб пул жамғарганлар, улар одатда жамғарма кассалари хизматидан фойдаланишга қўникмаганлар. Бундан ташқари, 1990 йилда якка тартибда уй-жой қуриш учун аҳолига 700 миллион сўмдан кўпроқ қарз берилган.

Республикада 2 миллиондан ортиқ пенсионерлар, ногиронлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари борлиги, улар бутун ҳаётлари давомида маълум миқдорда пул жамғарганликлари ҳамда бу пулни шу қадар қисқа муддатда алмаштириш чоғида қийинчиликларга сўзсиз дуч келишлари эътиборга олинди.

Шунингдек, пул алмаштириш муддати қисқалиги сабабли келиб чиқадиган қийинчиликлар тўғрисида меҳнат жамоалари, касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларининг жуда кўп мурожаатлари ҳам ҳисобга олинди.

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони билан комиссияларнинг иши муддати ҳам узайтирилди.

ИШ ТАШЛАШ ЭМАС, ИШЛАШ КЕРАК

«Ташсельмаш» заводининг 11-цехида очиқ партия мажлиси бўлиб ўтди. СССР Олий Кенгаши Ишчи депутатлар гуруҳининг бутун мамлакат меҳнат жамоалари ва меҳнаткашларига мурожаатномаси мамлакатдаги вазиятдан, Болтиқбўйидаги воқеалардан ташвишга тушган коммунистлар ва партиясизларни бефарқ қолдирмади. Иш ташлаш эмас, ишлаш керак — йиғилишда сўзга чиққанлар ана шундай фикр билдиришди.

«Ташсельмаш» ходимлари мамлакатдаги вазиятни беқарорлаштириш сиёсатига, уни ким ва қандай даражада олиб бораётганидан қатъи назар, қарши чиқдилар, улар буюк ССР Иттифоқи сақлаб қолинишини ёқладилар.

Заводда ҳар бир киши ҳозир, бозорга ўтиш даврида ишлаш нақадар мушкул эканини ўз бошидан кечираяпти. Қийинчиликларга қарамай, «Ташсельмаш» ўтган йили режалаштирилган барча кўрсаткичларни муваффақиятли бажарди. Машинасозлар шартнома мажбуриятларини бажарганликлари, истеъмолчиларга берган ваъдаларининг устидан чиққанликлари уларнинг ишчилик фахри бўлди. Янги йил бошланишида улар маҳсулот етказиб берувчилар билан шартномалар тузишди. Ҳозир ҳам машинасозлар иш ташлаш ва сафсатабозлик қилиш билан шуғулланиш эмас, ишлаш ниятидадирлар.

(ЎзТАГ).

Президент Фармонларининг бажарилиши—«Совет Ўзбекистони» назоратида

● Пойтахтимизнинг шинам ва хушманзара ерида жойлашган Оналар ва болалар жумҳурият маркази ўз мижозларини кутмоқда.

● Бу ерда Тошкент шаҳрида яшовчи, шунингдек, республикамизнинг барча вилоятларидаги оналар ва болалар даволанишлари мумкин.

САЛОМАТЛИК — МАДАНИЯТ БЕЛГИСИ

Она—уйнинг гултожиси. Бу ҳикматли нақл ўз ифодасини эндигина топяпти. Кейинги йилларда жумҳуриятимизда оналик ва болаликни муҳофаза этишга, болалар ўртасида ўлимни камайтириш чораларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

СОҒЛИҚНИ сақлаш муассасалари оналар ва болалар муассасалари қурилишига ҳам янгича ёндашув билан қарай бошлади. Агар XII беш йилликда оналар ва болалар тиббий муассасалари қурилиши ялпи тиббий қурилишнинг атиги 12 фоизини ташкил қилган бўлса, бу рақам ўн учинчи беш йилликда 60 фоизни ташкил қилади. Зеро, жумҳуриятимиз аҳолисининг 40 фоизи болалар ва 23 фоизи туғуруқ ёшидаги аёллардир. Маълумотлардан аниқланишича, нобуд бўлаётган чақалоқларнинг 40 фоизи асосан ёз ойларига тўғри келади. Бу — эмизикли оналарнинг бир қисми ҳар доим ҳам санитария-гигиена шартларига риоя қилавермаслигидан далолат. Айниқса, ошқозон-ичак касалликларидан нобуд бўлиш ҳоллари кўп учрайди. Нобуд бўлаётган чақалоқларнинг ярми уйда ёки даволанишга ётқизилган биринчи кунда кўз юмаётир. Бу чақалоқлар саломатлигини асрашда айниқса оила шароити муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Давлат миқёсида амалга оширилаётган тадбирлар, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш, тиббий-техника негизини мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистонда болалар ўлими кўрсаткичи сезиларли даражада пасайди. Оналар ва болалар саломатлигини асраш учун туғуруқлар орасида ўртача уч йил оралиқ сақлаш мақсадга мувофиқдир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Президенти И. А. Каримовнинг «Кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармони она ва болалар саломатлигини тиклаш йўлидаги чинакам ғамхўрлик намунасидир. Унда кам таъминланган оилалардаги ҳомиладор аёлларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари бериш қарорлаштирилган. Бу Фармоннинг моҳияти шундан иборатки, ҳомиладор аёллар 140 кун давомида жойлардаги шифокорлар (аёллар консультацияси шифокорлари ёки фельдшерлик акушерлик пунктлари шифокорлари) томонидан махсус талон билан таъминланмоқдалар. Жойлардаги савдо тармоғининг дўконлари бу талонлар асосида ҳомиладор аёлларга сут-қатиқ маҳсулотлари, тухум, балиқ, сарёғ, ёки гўшт-консерва маҳсулотлари беришлари зарур.

Қатор жойларда берилган талонга оқсили кўп маҳсулотлар олиш ўрнига айрим оналар айнан ҳомиладорлик даврида камроқ истеъмол қилиши керак бўлган макарон маҳсулотлари ёки магазинда ўтмас молларни олиш билан қаноатланмоқдалар. Зарур маҳсулотлар етишмайди.

Бола соғлом ўсиши учун инсон вужуди ривожига энг зарур емакларни билиб истеъмол қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич синф ўқувчиларига текин нонушта берилиши «Саломатлик» дастурининг узвий амалга оширилган тадбирларидан биридир. 1—5-синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш мақсадида республикамиз ҳукумати 64 миллион сўм пул ажратди. Халқимизда пулни топган билан уни сарфлашни ҳам билиш керак деган ҳикматли мақол бор. Муҳарририятимизга келаётган хабарларга кўра, жумҳуриятимиз мактабларида болаларга сифатли нонушта бераётган жонкуяр

(Давоми учинчи бетда).

Иттифоқимизда

● СССР Президенти М. С. Горбачев Болтиқбўйи республикаларида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг миллий мансублигидан қатъи назар уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун бутун кучни сарфлашга даъват этди.

● Ижтимоий қарама-қарши туришни пасайтириш, снёсий мулоқот асосида қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш йўллари изланмоқда.

(2-БЕТ).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1961 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ 50 ВА 100 СЎМЛИК ПУЛ БЕЛГИЛАРИНИ ТЎЛОВ УЧУН ҚАБУЛ ЭТИШНИ ТЎХТАТИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ОМОНАТЛАРИДАН НАҚД ПУЛ БЕРИШНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат аҳолиси жуда кўпчилигининг манфаатларини кўзлаб, чайқовчиликка, порахўрликка, ярим-ярим ишларга, сохта пуллар ясалишига, меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш учун ҳамда пул муомаласини ва истеъмол бозорини нормаллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. СССР Вазирлар Маҳкамасининг:

— СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини ҳамма турдаги тўловларга қабул этишни 1991 йил 23 январь ноль соатдан бошлаб тўхтатиш ҳамда уларни бошқа қимматларга эга бўлган пул белгиларига ва 1991 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик банкнотларга СССР Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда алмаштириб бериш тўғрисидаги;

— 1991 йилнинг биринчи ярмида, 1991 йил 23 январдан бошлаб жамғарма банки муассасаларида ва бошқа ҳамма банкларда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул берилишини ойига энг кўпи 500 сўм билан чеклашни жорий этиш ҳақидаги;

1991 йилнинг 23 январидан бошлаб жамғарма банкидаги ва бошқа банклардаги омонатлар эгаларининг мол ва хизмат ҳақини нақд пулсиз тўлаш учун маблағдан чекланмаган миқдорда фойдаланиш ҳуқуқини кўзда тутадиган тартиб ўрнатиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Юқорида кўрсатилган пул белгиларини алмаштириб бериш ва муомаладан чиқариш тадбирлари қатъий бажарилишини таъминлаш учун:

— СССР Давлат банки, СССР Молия вазирлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети ходимларининг махсус гуруҳларини ташкил этиб, уларни республикаларнинг марказий (миллий) банкларига, СССР Давлат банкининг республика банкларига юборсинлар. Мазкур гуруҳларга ушбу Фармонни бажариш устидан назорат қилиш, ҳатто зарурат бўлган тақдирда банк муассасаларини бевосита бошқариш вазифасини ўз зиммасига олишгача фавқулодда ваколатлар берилсин;

— СССР Молия вазирлиги билан СССР Давлат хавфсизлиги комитети ушбу Фармонни бажаришда жойлардаги банк муассасаларини, давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхоналарни, бирлашмаларни, ташкилотлар ва муассасаларни назорат қилишни ва уларга зарур ёрдам беришни ташкил этсинлар;

— СССР Ички ишлар вазирлиги билан СССР Давлат хавфсизлиги комитети банклардаги бойликларни муҳофаза қилишни ва шу бойликларни ташиш вақтида уларни қўриқлашни кучайтиришни таъминласинлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль,
1991 йил 22 январь.

[Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармонни бажариш юзасидан қабул қилган қарори рўзноманинг 2-саҳифасида босилмоқда].

● ҚИРҒИЗИСТОН:

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТУЗИЛМОҚДА

● Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси иш бошлади. Сессияда депутатлар Литвада ҳалок бўлганларни бир минут сукут сақлаб хотирладилар.

Парламент кўриб чиқиши учун 20 дан ортиқ масала киритилган.

Жумҳуриятнинг собиқ вице-президенти Н. Исанов кўпчилик овоз билан Бош Вазир этиб сайланди. Жумҳурият вице-президенти лавозимига депутатлар илгари Фрунзе шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган Г. С. Кузнецовни сайладилар. Парламент бешта давлат котиби — Бош вазирнинг халқ хўжалиги асосий тармоқлари бўйича ўринбосарларини сайлади. Сессияда Вазирлар ва давлат комитетлари раислари ҳам сайланади.

ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

● Президент Кенгашининг 22 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Президент Кенгашининг аъзолари Болтиқбўйи республикаларидаги ҳозирги мураккаб вазият ҳақида гапириб, ҳарбий куч ишлатилганини қораладилар. Мулоқот ва ҳамжиҳатликка асосланган снёсий усуллар рўй бераётган муаммоларни ҳал этишнинг бирдан-бир йўли бўлиши керакли таъкидланди.

Барча миллатларга мансуб фуқаролар ўртасида тинчлик ва иноқликни таъминлаш учун ҳамма ишларни қилиш, демократияни, ҳар бир инсоннинг шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя этиш зарур. Форс кўрфази атрофидаги ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан хавотирлик билдирилди, урушни тезроқ тўхтатиш зарур, деган фикр яқдиллик билан айтилди. Литвадаги ва Форс кўрфази атрофидаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва ҳукуматининг Баёнотлари маъқулланди.

Ўзбекистон ССР Давлат нарх комитетининг раиси Қ. А. Аҳмедов озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини белгилаш ва аҳолининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги иш қандай бораётгани ҳақида ахборот берди. Нарх белгилашни такомиллаштириш, асосланган нархларни шакллантириш — бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган ишнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканлиги айтилди.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини белгилаш, товон тўлаш воситаларини ишлаб чиқиш соҳасидаги ишни давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Шундан кейингина нарх белгилашни такомиллаштириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш мумкин.

Кенгаш Орол денгизи атрофидаги экология фалокатининг оқибатлари тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Президент Кенгашининг аъзоси, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Т. Қаипбергенов денгизнинг тез қуриб бораётганлиги ва Орол атрофи чўлга айланаётганлиги тобора муқаррар тус олаётганини уқтириб ўтди. Айни вақтда Ўрта Осиё регионининг кенг ҳудудидаги санитария-эпидемиология, ижтимоий-иқтисодий вазият ёмонлашмоқда.

Президент Кенгашининг аъзолари мазкур муаммоларни ҳал этиш учун Ўрта Осиёдаги барча республикалар ва Қозоғистоннинг кучғайратларини бирлаштириш зарурлигини таъкидладилар. Оролни сақлаб қолишнинг бирлашган республикаларо жамғармасини тузиш таклиф қилинди.

Президент Кенгашининг мажлисида Алишер Навоий юбилейини байрам қилиш, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда республика Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов қатнашди.

Хоружда

● АҚШ президенти Жорж Буш сешанба куни Оқ уйда миллий хавфсизлик масалалари бўйича ўз маслаҳатчилари билан кенгаш ўтказди. Унда «Саҳрода бўрон» ҳарбий операциясининг бориши муҳокама қилинди.

Хоружда олинган бошқа хабарлар ҳамда «Саҳрода бўрон» сарлавҳали мақола билан рўзномамиз учинчи саҳифасида танишасиз.

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг БАЁНОТИ

Ўртоқлар! Жамиятдаги танглик, маънавий-сиёсий кескинлик, қурбонларга сабаб бўлган воқеалар рўйрост ва ошкора фикрлашиб олишни талаб этади. Жамиятнинг баъзи қисми орасида Президент сиёсатини тушунмаётган ва ҳатто тушунишни истамаётган кишилар пайдо бўлмоқда.

Литвадаги, кейинги кунларда эса Ригадаги мухолифлик фожиага айланиб кетганлигидан ҳамма сингари мен ҳам ачинмоқдаман. Бу кулфат дахл этган оилаларга чин қалбдан ҳамдардлик изҳор этаман. Қурол ишлатиш билан боғлиқ ҳолатлар қонунга биноан пухта тергов қилиниши ва баҳоланиши керак.

Мен айтмоқчи бўлган биринчи ва энг муҳим фикрлар қуйидагилардир: Вильнюс ва Ригада рўй берган воқеалар шу мақсадда тузилган президентлик ҳокимияти ўтказган йўлнинг ҳеч бир натижаси эмас. Шунинг учун ана шу хусусдаги барча найрангбозликларни, шубҳалар ва бўҳтонларни қатъиян рад этаман.

Ички сиёсат ҳам, ташқи сиёсат ҳам ўзгаргани йўқ. Ҳамма нарса раҳбариятнинг ҳужжатлари ва расмий баёнотларида ифодаланганидек қолмоқда.

Болтиқбўйидаги воқеалар жуда ўткир танглик вазиятида вужудга келди. Қонунга зид ҳужжатлар, Конституциянинг поймол этилиши, Президент Фармонларини менсимаслик, фуқаролар ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилиши, бошқа миллат кишиларининг камситилиши, армияга, ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оилаларига нисбатан масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш шундай муҳитни вужудга келтирдики, унда ҳеч бир кутилмаган сабабларга кўра осонгина шундай тўқнашувлар ва тўполонлар рўй бериши мумкин.

Рўй берган фожианинг манбаи қандайдир юқоридан берилган афсонавий буйруқларда эмас, айни мана шундадир. Дастлабки ва иккинчи ҳолатда ҳам айни шундай бўлди.

Президент сифатида мухолифлик авж олдирилишига йўл қўймасликни, вазиятни нормаллаштиришни, тотувлик ва ҳамкорликка эришишни асосий вазифа деб биламан.

Шу муносабат билан қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

— Конституцияга зид ва энг аввало инсон ҳуқуқларини бузадиган республикалар Олий Кенгашларининг қонунлари ҳамда ҳукуматларининг қарорлари бекор қилиниши зарур.

— Ҳар қандай жамоат ташкилотлари, комитетлар ва фронтлар қандай дастурлар билан чиқмасин, улар ҳокимиятга фақат конституциявий йўл билан, зўравонлик қилмай ҳокимиятга келишга даъвогарлик қилишлари мумкин. Сиёсий курашда ёрдам сўраб Қуролли Кучларга мурожаат қилишга ҳар қандай уринишларга йўл қўйиб бўлмайди.

— Республикалар ҳудудида жойлаштирилган ҳарбий қисмларга нисбатан камситувчи тадбирларга, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва фарзандларига нисбатан шармандали муносабатга мутлақо чек қўйиш зарур. Бугунги кундаги мавжуд Иттифоқ қонунларига мувофиқ қўшинлар мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги талаблари тақозо этадиган жойларда турибди.

— Фуқаролар ҳокимиятининг ҳарбийлар билан муносабатлари фақат ССР Иттифоқи қонунлари асосига қурилиши керак.

Шу билан бирга қўшинлар томонидан ҳеч қандай ўзбошимчалик ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги лозим. Фақат буйруққа биноан иш кўриш, сабр-тоқатли бўлиш, иғвогарликка учмаслик, қўл остидагилар орасида интизомни мустаҳкамлаш — барча даражадаги командирларнинг бурчи ва шон-шараф ишидир.

— Биз республиканинг Иттифоқдан чиқиш Конституциявий ҳуқуқини тасдиқлар эканмиз, бу ишда ҳатто сайлаб қўйиладиган идоралар томонидан кўр-кўрона ҳаракатларга ҳам, ўзбошимчаликка ҳам йўл қўя олмаймиз. Бутун аҳоли ўз хоҳиш-иродасини билдириши — референдум асосидагина Иттифоқдан чиқиш мумкин.

Шу муносабат билан Болтиқбўйидаги вазиятни Федерация Кенгашида муҳокама қилишни давом эттириш зарур.

Муайян доиралар ўнгга томон бурилиш рўй бераяпти ва диктатура хавфи бор, деган баҳона билан вазиятни чигаллаштириш учун сўнгги кунлардаги воқеалардан фойдаландилар.

Мен бундай уйдирмаларни қатъиян рад этаман. Қайта қуриш, демократиялаш, ошкоралик эришган ютуқлар Президент ҳокимияти посбонлик қиладиган доимий қадриятлар бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Бу тарғибот воситалари, ҳа, айни тарғибот воситалари — келинглар, ҳамма нарсани ўз номи билан атайлик — қасддан бошбошдоқлик, ваҳима, миллий адоват чиқариш учун, халқни армияга қарши қўйиш учун, ёшларни армияга чақиришда қонун билан ҳисоблашмаслик учун қасддан фойдаланилаётган бир пайтда буни четлаб ўтишимиз. эътибордан четда қолдиришимиз мумкин, деган маънони англатмайди, албатта.

Қуролли Кучларимизни парчалаб юбориш, республикалар армияларини тузиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш учун баҳона сифатида Болтиқбўйидаги воқеалардан чайқовчилик билан фойдаланилмоқда.

Бундай масъулиятсиз баёнотлар айниқса РСФСР раҳбариятидан чиқса жиддий хавотирликка сабаб бўлиши мумкин.

Ҳар бир онгли киши мамлакатимиз ва бутун дунё учун бу қандай оқибатларга олиб келишини тушунади, деб ўйлайман.

Юмшоқ қилиб айтганда, биз ўзимиз ҳал этишимиз мумкин ва зарур бўлган ишларни ҳал этиш учун хорижни, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини таклиф этиш, уларга таъзим қилиш ғалати ва бемаъни кўринади.

Биз бутун дунё билан ҳамкорлик ва ўзаро алоқа қилиш учун ўз жамиятимизни очиб қўйдик, бундан буён ҳам танлаган ташқи сиёсий йўлимизга содиқ бўлиб қоламиз. Бироқ мамлакатнинг ички муаммолари совет халқи томонидан ҳал қилиниши керак, бу муаммоларни бошқа ҳеч ким ҳал қилмаслиги лозим.

Рўй бераётган воқеалар чет элларда ҳам кўпинча бир томонлама, айни пайтда бир қанча ҳолларда аввалги даврларнинг мафкуравий курашни эслатувчи оҳангда талқин этилаётганлигини айтмаслигим мумкин эмас. Бизда бўлгани сингари чет элларда ҳам кўпчилик ана шу воқеаларни турлича тушуниб, уларни Совет раҳбарияти сиёсатидаги бурилиш деб билди.

Ана шундай нотўғри талқин этиш натижасида кейинги йилларда халқаро муносабатларда эришилган ютуқлар хавф остига қўйиладиган бўлса, бу ташвишли ва хатарлидир.

Мамлакатда кескин мунозара авж олдирилаётган бир пайтда кейинги кунларда соғлом фикрловчи кишилар ҳозир энг муҳими — сиёсий барқарорлик, қатъий ҳуқуқий тартиб-интизом, иқтисодиётни нормаллаштириш, бозор сари дадил олға бориш, кўп миллатли давлатимизни демократик тарзда қайта ўзгартириш эканлигини айтмоқдалар. Мен бундай нуқтаи-назарга қўшиламан.

Намойишлар, митинглар, иш ташлашлар эмас, сиёсий эҳтиросларни авж олдириш ва мухолифлик эмас, балки виждонан меҳнат қилиш ва фуқаролар тотувлиги мамлакатни тангликдан олиб чиқишини жамиятда тобора кўпроқ кишилар англаб етмоқда.

Мен ўз мамлакатим барча фуқароларини шунга даъват этаман.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1991 йил 22 январь

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1961 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ 50 ВА 100 СЎМЛИК ПУЛ БЕЛГИЛАРИНИ ТЎЛОВ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТЎХТАТИШ ҲАМДА УЛАРНИ АЛМАШТИРИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ОМОНАТЛАРИДАН НАҚД ПУЛ БЕРИШНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Вазирлар Маҳкамаси СССР Президентининг «СССР Давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини тўлов учун қабул қилишни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш тўғрисида»ги 1991 йил 22 январь Фармонини бажариш юзасидан **қарор қилади:**

1. СССР Давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгиларини ҳамма турдаги тўловлар учун қабул қилиш, шунингдек, уларни банклар, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар томонидан бериш тўхтатилсин.

2. Барча давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар зиммасига 1991 йил 23 январь куни бошланиши билан ўз кассаларидаги СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгилари қолдиқларини ҳужжатлаштириб, уларни 1991 йил 23 январда 3 соат мобайнида ўзларига хизмат қилувчи давлат муассасасига топшириш мажбурияти юклатилади.

Банклар муассасалари пул белгиларининг мазкур қолдиқларини 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгилари мавжудлиги ҳақида тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳужжатнинг биринчи нусхаси асосида ёзиб қўйилган қиймати бўйича шартли ҳисобда қабул этиб, сўнгра СССР Давлат банки белгилаган тартибда текширилгандан кейин мазкур пулни ташкилотнинг ҳисоб (жорий) варақасига ёзиб қўяди.

Ўз кассаларидаги пулнинг ўтувчи қолдиғини мустақил белгилайдиган кооперативлар ва бошқа ташкилотлар бўйича СССР Давлат банки кассаларнинг топширилган қолдиқларини кооператив (ташкилот) ҳисобига ўтказиб ёзиш масалаларини ҳал этишда банк муассасалари фаолият соҳаси жиҳатидан кооператив (ташкилот) соҳасига ўхшаш давлат корхоналари ва ташкилотлари учун белгилаб қўйган энг кўп касса қолдиқларига асосланиб иш тутади.

3. Ишловчи фуқароларнинг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириб бериш учун корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда раҳбарият, молия-ҳисоб шўъбалари, касаба уюшма комитетлари, меҳнат жамоаларининг кенгашлари вакилларидан камида 5 кишидан иборат комиссиялар тузилсин.

Корхона ва ташкилотлар 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни мазкур комиссиянинг қарорига биноан фақат корхона, бирлашма, ташкилот, муассаса штатида турган ходимларга, шунингдек, вақтинча хизмат сафарига юборилган шахсларга уч кун мобайнида 1991 йил 23 январдан 25 январгача сўнгги иш йилидаги ўртача иш ҳақи миқдорида алмаштириб беради. Бунда айирбошланадиган пул миқдори бир ишловчи ҳисобига 1000 сўмдан ошиб кетиши мумкин эмас. Пулларни алмаштириб бериш қайдномасининг комиссия аъзолари имзолаган бир нусхаси хизмат қилувчи банк муассасасига топширилиши лозим.

Аризада белгиланган энг кўп миқдордан ортиқча 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пуллар борлиги маълум қилинганда корхона, ташкилот комиссияси алоҳида қайднома тузади, унинг бир нусхаси мазкур қимматга эга бўлган пулларни алмаштириб бериш масалаларини ҳал этиш юзасидан район (шаҳар) ижроия комитети ҳузурида махсус тузиладиган комиссияга топширилиши лозим.

Корхона ва ташкилотлар ходимлардан қабул қилиб олинган 1961 йил нусхасидаги ҳамма 50 ва 100 сўмлик пулларни хизмат қилувчи банк муассасасига 1991 йил 26 январдан кечикмай тегишли тарзда расмийлаштирилган қайдномаларнинг нусхалари билан бирга топширадилар.

Пенсионерларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини бошқа қимматга эга бўлган пулларга пенсияларни берувчи жамғарма банки муассасалари ёки почта ташкилотлари 200 сўмгача ёки ойлик пенсия миқдорида алмаштириб бериб, алмаштириш қайдномасини тузади. Ойлик пенсия миқдоридан ортиқча 50 ва 100 сўмлик пуллар миқдори пенсионерлардан аризага мувофиқ алмаштирилмасдан, алоҳида қайднома бўйича қабул этилади ва кўриб чиқиш учун район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги комиссияга топширилади. Алмаштириш қайдномалари моддий жавобгар шахсларнинг имзолари қўйилиб, алмаштириладиган ва қабул этилган пуллар билан биргаликда тегишли банк муассасасига 1991 йил 26 январдан кечикмай топширилади.

Доимий иш ва яшаш жойидан ташқарида даволанишда, дам олишда бўлган фуқаролар пулларини дам олиш уйларида, санаторийларда, касалхоналарда ва бошқа даволаш-профилактика муассасаларида тузиладиган комиссияларда алмаштириб оладилар.

Дам олишда, даволанишда бўлган фуқароларга даволаш-профилактика муассасалари бир киши ҳисобига кўпи билан 500 сўм пулни алмаштириб бериб, алоҳида қайднома тузади, унинг бир нусхаси хизмат қилувчи банк муассасасига топширилади. Дам олувчининг, беморнинг қолган пули дам олиш уйи, санаторий, касалхона, бошқа даволаш-профилактика муассасаси томонидан дам олувчи, бемор ишлаб турган (пенсия, нафақа олаётган) корхона, ташкилот, муассаса номига телеграф орқали юбориш ҳақи олинмай, ўтказилади. Тўланган ҳақ миқдори маҳаллий молия идораси томонидан даволаш-профилактика муассасасига Иттифоқ бюджетининг маблағлари ҳисобидан почта-телеграф корхонасининг квитанцияси (рейстерлари)га мувофиқ қопланади. Кўрсатилган пул жўнатмасини олган корхона, ташкилот, муассаса бу пулларни юқорида кўрсатилган тартибда, бундан аввал 500 сўм миқдорида алмаштириб берилганини ҳисобга олиб алмаштиради. Белгиланган миқдордан ортиқча пул учун алоҳида қайднома тузилиб, шундан кейин кўриб чиқиш учун район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги комиссияларга топширилади. Дам олишда, даволанишда бўлган фуқаролар юборган пуллар бўйича пулларни алмаштириб бериш ҳақидаги аризалар район (шаҳар) ижроия комитетлари ҳузуридаги комиссиялар томонидан фуқаро даволаш-профилактика муассасасидан иш жойига қайтиб келганидан кейин уч кун мобайнида қабул қилинади.

Бошқа фуқаролар район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги айрибошлаш комиссияларига 50 ва 100 сўмлик пуллари борлигини маълум қилиб, уларни топширадилар.

Фуқаролар уч кун муддат ичида, яъни 1991 йил 26 январгача топширмаган пуллар алмаштириб берилмайди.

4. Алмаштириб бериш учун белгиланган миқдордан ортиқча 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириб бериш масалаларини ҳал этиш учун район (шаҳар) ижроия комитети ҳузурида молия, банк, маъмурий органларнинг вакиллари иштирокида депутатларнинг комиссиялари тузилсин. Комиссиялар 10 кун муддатда фуқароларнинг аризаларига биноан даромад манбалари ва кўрсатилган қимматга эга бўлган пулни олганлиги асослилиги ва қонунийлигини кўриб чиқиш натижаларига мувофиқ пулларни алмаштириб бериш ёки алмаштиришни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилади.

Район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги комиссиянинг пулни алмаштириб беришни рад қилиш тўғрисидаги қарори хусусида шу мақсад учун махсус тузиладиган вилоят, ўлка, республика депутатлар комиссияларига шикоят қилиниши мумкин. Ана шу комиссияларнинг қарорлари узил-кесил ҳисобланади.

5. Фуқароларнинг белгиланган энг юқори миқдордан ортиқча 50 ва 100 сўмлик пулларни топшириш ҳақидаги аризаларида пуллар қандай топилганлиги: даромад манбаи ёки мазкур пулни олган вақти ва жойи, уларнинг олиниши ва жамғарилиши қонунийлигини тасдиқловчи бошқа маълумотлар кўрсатилиши керак. Ариза берувчи сабаблар ва асосларни тушунтирмаган, белгиланган миқдордан ортиқча пулларни алмаштириб бериш масалаларини, шунингдек 1991 йил 25 январдан кейин топширилган аризаларни (3-бандда кўрсатилган ҳоллар бундан мустаснодир) комиссиялар кўриб чиқмайди.

6. СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги давлат божхона назорати Бош бошқармаси СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини 1991 йил 23 январдан 25 январгача СССРга ўтказмасин.

7. Ажнабий фуқароларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пуллари СССР ташқи иқтисодий банки муассасалари томонидан ёки ажнабий валюта билан операция бажарувчи банк муассасалари томонидан СССР ташқи иқтисодий банки муассасаларининг валютани айирбошлаш вақтида берган квитанциясига мувофиқ миқдорда 1991 йил 23—25 январь мобайнида алмаштириб берилади.

СССРдаги ажнабий давлатларнинг дипломатия, консуллик ва бошқа ваколат хоналарида ишловчи ажнабий фуқароларнинг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик банкнотлари СССР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги дипломатик корпус билан ишлаш Бош бошқармаси орқали СССР Давлат банки билан келишилган тартибда алмаштириб берилади.

8. 1991 йил 23 январдан бошлаб 1991 йилнинг биринчи ярми учун барча банклар — СССР жамғарма банки, СССР Давлат банки, республикаларнинг марказий (миллий) банклари муассасаларида, тижорат, кооператив банкларда ва бошқа банк муассасаларида фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, омонатчи ой давомида ўз омонатидан фақат истиқомат (иш) жойидаги жамғарма банки муассасасидан кўпи билан 500 сўм миқдорида нақд пул олиш ҳуқуқига эгадир (омонатдан нақд пул беришнинг кўрсатилган энг кўп нормаси 1991 йил 23 январдан 31 январгача бўлган даврга ҳам жорий этилади). Бунда иш ҳақи ва пенсияларни омонатларга нақд пулсиз ўтказиш юқорида кўрсатилган лимитга кирмайди.

СССР Давлат банки билан СССР жамғарма банки нақд пул беришнинг энг кўп миқдори — ойига 500 сўм бўлишига риоя этиш тартибини ўрнатсин.

Омонатчи СССР жамғарма банкининг ҳисоб-китоб чекларидан фойдаланиб, омонат (омонатлар) маблағларидан нақд пулсиз моллар сотиб олиш, хизматлар ҳақини тўлаш учун, шунингдек, маблағларни бир омонатдан иккинчисига ўтказиш учун чекланмаган миқдорда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

9. Банк муассасаларида 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни қабул қилиш, топшириш, ҳисоб варақасига ўтказиш тартиби масалалари юзасидан қарорларни СССР Давлат банки қабул этади.

10. СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириб бериш ва муомаладан чиқариш тадбирлари қатъий бажарилишини таъминлаш учун СССР Давлат банкига, СССР Молия вазирлигига ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетига СССР Президентининг Фармони ва ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш юзасидан фавқулодда ваколатлар, ҳатто зарурат бўлган тақдирда банк муассасаларини бевосита бошқариш вазифасини ўз зиммасига олиш ҳуқуқи берилган махсус ходимлар гуруҳини республикаларнинг марказий (миллий) банкларига, СССР Давлат банкининг республика банкларига юбориш топширилсин.

СССР Молия вазирлиги билан СССР Давлат хавфсизлиги комитети ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ҳамда жойларда банк муассасаларига, давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхоналарга, бирлашмаларга, ташкилотлар ва муассасаларга зарур ёрдам беришни ташкил этсинлар.

СССР Ички ишлар вазирлиги билан СССР Давлат хавфсизлиги комитети банклардаги бойликларни муҳофаза қилишни ва уларни ташиш вақтида қўриқлашни кучайтириш чораларини кўрсинлар.

Бош вазир В. ПАВЛОВ,
Ишлар мудири
М. ШКАБАРДНЯ.

КРЕМЛДАГИ УЧРАШУВ

СССР Президенти М. С. Горбачев 22 январь куни Кремлда Латвия ССР Олий Кенгашининг Раиси А. В. Горбунов ва Латвия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. П. Рубикс билан суҳбатлашди.

Суҳбат чоғида Латвияда ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашувининг жуда хавфли эканлиги таъкидланди, вазиятнинг кескинлашуви қуролли тўқнашувларга ва одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келди. Учрашув қатнашчилари ҳалок бўлганлар ва жабрдийдаларнинг оилаларига самимий ҳамдардлик билдириб, ижтимоий қарамақарши туришни пасайтириш, сиёсий мулоқот асосида қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда республикадаги вазиятни нормал изга солиш йўлларини топиш юзасидан сира кечиктирмай чоралар кўриш зарурлигини таъкидладилар. Бу жараёнда Латвия ССР Олий Кенгаши, миллий тенг ҳуқуқлилик учун, ҳар бир совет фуқаросининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашаётган барча сиёсий партиялар ва ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак.

Миллатлараро можароларни ҳал қилишда Иттифоқ ва республика идораларининг тутган ўрни, мамлакатдаги барча республикаларнинг янгиланган ССР Иттифоқидаги самарали иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлиги имкониятлари тўғрисида батафсил фикрлашиб олинди.

СССР Президенти вазиятни соғломлаштиришга, Латвия ССР ва Болтиқбўйидаги бошқа республикаларда фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини мустаҳкамлашга ғоят фаол кўмаклашишга бундан буён ҳам тайёр эканлигини айтди.

Суҳбатда СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов иштирок этди.

(ТАСС).

ҚОНУН—ТАРТИБ ПОСБОНИ

Фарғона водийсини, шу жумладан, гўзал Наманганни кимлар бир кўришни орзу қилмаган? Бу бежиз эмас, албатта. Вилоятимизнинг сўлим об-ҳавоси, хушманзара боғ ва хиёбонлари ҳар қандай одамни ўзига мафтун этиши табиий.

Лекин ана шундай жаннатмакон диёримизга экология танглиги хавф солмоқда. Маълумотларга кўра, вилоятимиздаги мавжуд саноат корхоналари бир йилда ҳавога 20 минг тоннадан кўпроқ зарарли чиқинди чиқаради. Биргина асфальт пиширш цехларидан чиқаётган ҳар хил чанглар, тутунлар 1990 йилнинг ўзида 600 тоннани ташкил қилди. Бу эса атроф-муҳитга 3 миллион сўмлик зарар келтирди.

Ҳисоб-китоб бўйича, вилоятимизда истиқомат қилаётган ҳар бир одам ўртача 5 килограммдан чанг ютаркан. Хўш, бу нимадан далолат? Нега бу ҳаётий масала қатор меҳнат жамоалари раҳбарларини ташвишга солмаяпти?

Табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси бу соҳада анча-мунча тадбирлар кўряпти. Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва республика ҳукуматининг 1988 йил 5 апрелда чиқарган табиатни муҳофаза қилиш ишини қайта қуриш ҳақидаги қарори вилоят саноат корхоналарида, жамоа, давлат хўжаликларида ва бошқа дахлдор ташкилотларда қандай бажарилаётганлиги атрофлича таҳлил қилинди. Табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси раисининг муовини М. Раҳимбоевнинг таъкидлашича, 1990 йилда саноат корхоналарида ва ишлаб чиқариш жамоаларида табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун 3 миллион 110 минг сўм маблағ ажратилган. 9 ойда бу маблағнинг 2 миллион 427 минг сўми ўзлаштирилган.

Жумладан, 20 та саноат корхонасида сув тозалаш иншоотлари қурилиб, ишга туширилди. 62 мингдан зиёд турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Натижада бир йилда ҳавога заҳарли чиқинди ташлаш 910 тоннага камайган. 400 минг кубметр сув иқтисод қилиб қолинди... Лекин амалга оширилган бу ишлар оз. Корхоналарда чанг ва ҳар хил заҳарли чиқиндиларни ушлаб қоладиган мосламалар йўқ, борлари ҳам самарали ишлатилмайди.

Йил тугаган бўлса-да, кўп корхоналар ҳанузгача чекланган чиқиндилар китобини тайёрлаганлари йўқ. Жумладан, 1991 йил бошиданоқ корхоналарда бу китоб бўлмаганлиги учун жарима миқдори беш маротаба кўпайтириб тўланиши белгиланди. Қатор саноат корхоналарида сув тозалаш иншоотлари белгиланган меъёрда ишламаслиги натижасида очиқ сув ҳавзалари ва ер ости ичимлик сувлари ифлосланмоқда. Илғор фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланмаслик оқибатида Наманган шойи ва абрли газламалар комбинатларида тоза ичимлик сув беҳуда сарфланаётир. Уни тежаш тадбирлари ҳақида корхона раҳбарлари астойдил ўйламаяптилар.

• Инсон ва табиат

Поп «Ўзбеккровля» комбинатида атроф-муҳитни ифлослантирмаслик юзасидан етарли даражада иш олиб борилаётгани йўқ. Корхонада ҳавога чиқарилаётган 10,4 минг тонна чиқиндининг бор-йўғи 1,8 минг тоннаси тозаланаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу ерда кейинги бир йилда сувдаги ахлат 142, азот-аммоний бирикмаси — 60,6, сувдаги эримайдиган бирикмалар эса 258 тоннани ташкил этган-у, бироқ бу корхона раҳбарларини ташвишлантирмаяпти.

Бундай аҳвол бошқа корхоналарда ҳам юз бераётгани ачинарли. «Узгоскомкоопсельхоз» бирлашмаси корхоналаридаги аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Намангандаги 2-пахта тозалаш заводининг Косонсой филиали 1987 йилда талай камчиликлар билан ишга туширилди. Бу ердаги махсус чанг ушлагич мосламалар тўлиқ ўрнатилмаган. Борларидан самарали фойдаланилмаяпти. Ўтган йилнинг ўзида корхонадан ҳавога 1344 тонна тозаланмаган чиқинди чиқди. Учқўрғон, Чуст, Поп, Қўғай, Чортоқ, Ҳаққулобод пахта тозалаш ва Наманган ёғ-экстракция заводлари аҳоли саломатлилигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Афсуски, ҳануз бу заводларни шаҳар четига — экологик талабларга мос жойга кўчириш масаласи пайсалга солиб келинаётир.

«Узэлектротерм» бош корхонасининг Раустон ва Гулистон участкаларидаги цехларда заҳарли чиқиндилар ташлайдиган махсус жой йўқ. Ваҳолонки, йилига бу цехлардан 960 килограмм чиқинди ҳавога чиқарилмоқда. Корхона автохўжалигида махсус ювиш жойлари йўқлиги туфайли сув ҳавзалари нефть маҳсулотлари билан ифлослантирилишига тоқат қилиб келинмоқда.

Бошқа қатор корхоналарда ҳам табиат муҳофазасига онгли муносабатда бўлинмаяпти. Ҳавони, сувни, ерни ифлослантирмаслик юзасидан етарли амалий чора-тадбирлар кўрилмаётир. Давлат назоратчилари жойларда қатъиятлик кўрсатиш ўрнига қонунбузарларга нисбатан келишувчилик йўлини тутишмоқда. Улар суд-прокуратура органлари билан етарли ҳамкорлик қилмаяптилар.

Бундай аҳволга чек қўйиш лозим. Аввало шаҳар, туман ижроқўмлари қошидаги маъмурий комиссиялар фаолиятини кучайтириш зарур. Бизнингча, корхоналар раҳбарлари, мутахассислар, табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари назоратчилари ўз ишларини билиб қилишлари, тартиб-қоида бузилиши ҳоллари юз берганда қонун кучидан ўринли фойдаланишга одатланишлари керак.

Х. ЎТАНОВ,
Табиатни муҳофаза қилиш Наманган вилоят қўмитаси етакчи мутахассиси.

«ВОСТОК»НИНГ АКЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

«Андижанагрострой»га қарашли 3-бирлашманинг 105. механизациялаштирилган кўчма колоннаси негизида «Восток» акционерлик жамияти тузилди.

Жамият акцияларини сотиб олишни истовчи ташкилотлар ва алоҳида фуқаролар рўйхатга олинмоқда. 1,2 миллион сўмлик акция чиқарилган.

«Восток» акционерлик жамияти қишлоқ қурувчиларига ўз иқтисодий, молиявий ва технологик муаммоларини оператив тарзда ҳал этишда, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда, бошқарув аппаратини анча қисқартиришда ёрдам беради.

(ЎзТАГ мухбири).



● Булунғур тумани марказида янги асфальт-бетон заводи ишга тушди. У соат сайин 45 тонна маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Суратларда: 1. Бошқарув пультининг оператори С. Қодиров. 2. Заводнинг умумий кўриниши. 3. Хом ашёни конвейерга қуриб берувчи механизатор А. Феодоров.

Т. ДАВЛАТОВ олган сурат.

Президент Фармонларининг бажарилиши—«Совет Ўзбекистони» назоратида

САЛОМАТЛИК—МАДАНИЯТ БЕЛГИСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

кишилар сафида айрим хўжакўрсинга иш юритувчилар ҳам чиқиб қолаётир. Бу жойларда болаларга мактабда чой қайнатилиб, уйидан келтирган нонини ейишни нонушта деб билмоқдалар.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг самарали йўлларидан бири санаторий-профилакторийлар орқали хизматни яхши йўлга қўйишдир. Жумҳуриятимиздаги 49 та болалар санаторийларида бир йилнинг ўзида 45 минг нафарга яқин бола саломатлигини тикламоқда. Лекин бу ҳали оз. Айниқса вилоятларда санаторий ўринлари етишмайди. Борларида эса озиқ-овқат маҳсулотлари тури тиббий меъёрга мос эмас, уларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиб яшашга имкон йўқ. Санаторийларимизнинг аксарияти мослаштирилмаган биноларда жойлашган.

ОНАЛАР ва болалар учун қилинаётган ғамхўрликнинг яна бири пойтахтимизда рўй берди. Илгари фақат айрим раҳбар одамларгагина имтиёзли бўлган 2-стационар ўрнида Оналар ва болалар республика маркази ташкил этилди. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР халқ ноиби Қ. Ризаевни ана шу марказда учратдик.

— Марказ 400 ўринга эга, — деди у. — Бу ерда туғуруқхона, физиотерапия, ўпка, асаб, юрак, хирургия, функционал диагностика ва томоқ, оғиз, бурун касалликлари бўлимлари бор. Оналар ва болалар учун юқори савияли мутахассислар хизмат кўрсатишмоқда.

Биз бу ерда даволанаётган айрим беморлар билан суҳбатлашдик.

Гўзал ОЛОВУДДИНОВА Тошкент шаҳар, Октябрь районидан.

— Мен республика модалар уйида тайёрловчи бўлиб ишлайман. Бу ерда ҳар бир муолажа юксак савияда. Хизмат кўрсатаётган шифокор ва ҳамширалардан беҳад миннатдорман.

Муҳаббат МУРОДОВА — республика «Китобхон» жамиятининг тарғиб қилиш бўйича мутахассиси.

— Мен сурункали бронхит билан хасталанган эдим. Қизим Дилноза эса қанд касаллиги билан келган. Бизга бўлим бошлиғимиз Татьяна Анатолевна Егорова ва бошқа шифокорлар меҳр билан қарашмоқда.

Шоира АЗИМОВА — «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси.

Санобар МУҲАММАДЖОНОВА — Акмал Икромов ноҳиясидаги 7-касалхона ҳамшираси.

— Шаҳримизда мана шундай марказ борлигидан ҳаммамиз мамнунмиз. Негаки, бундай шароитдан илгарилари айрим раҳбарлargина фойдаланар эди. Энди эса республикамиз барча оналари ва болаларини қабул қиляпти.

Яна бир муҳим жойини айтиб ўтай. Мен хизмат қилаётган касалхонада ҳар бир беморга овқат учун кунига 94—97 тийиндан сарфланаётган бўлса, бу ерда 2 сўм 50 тийинданга тўғри келмоқда. Шу билан бирга Анвар Жамилов, Юрий Клемихин ва бошқа ўнлаб ҳамширалларнинг ўз касбини ардоқлаши ва ҳар бир бемор ёнида парвона бўлишини алоҳида айтиб ўтмоқчимиз.

Марказ бўйлаб айланамиз. Болалар ва оналарнинг қайси бирлари физиотерапия машғулотлари билан банд. Баъзилари уқалаш хоналари томон ошиқишмоқда. Кенг ва шинам ҳавзада қийқириб кулаётган болалар эса ўз саломатликлари тикланаётганлигидан мамнун. Марказ бош врачи Малика Зиёева сув ости уқалаш хонаси томон етаклайди. Бу ерда Чехословакиядан келтирилган асбоблар ўз беморини кутмоқда.

Шу ерда қўшимча қилиб ўтиш керак. Кейинги йилларда Тошкент шаҳрида соғлиқни сақлаш борасида бирмунча муваффақиятга эришилмоқда. 25—40 ўрингача ташкил этилган стационарлар болалик аёллар учун дидига мос бўлди. Улар эрталаб бу ерда даволанадиларда, кечқурун эса фарзандлари ёнида бўладилар. Шаҳар поликлиникаларида эрталаб 6 дан 8 гача ташкил этилган «тез ёрдам» пунктлари ҳам диққатга сазовор бўлди. Бу билан Октябрь, Собир Раҳимов ва бошқа районлардан тушаётган шикоятлар бирмунча камайди.

Шаҳардаги 6-шаҳар шифохонасининг бош врачи Пўлат Жонибеков соғлиқни сақлаш хизматига мос ибора келтирди. Қулаҳмад Тошпўлатович Ризаев шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига бошлиқ бўлиб келган пайтида бу соҳани янги туғилган чақалоққа ўхшатган эди. Тўғри гап. Бугунги кунда ана шу чақалоқ кўйлак кийиб, аста-секин юра бошлади. Демак, шаҳримиз соғлиқни сақлаш муассасаларидаги фаолиятни ҳам мана шу иборага ўхшатиш мумкин.

Болалар ва оналар республика марказида 700 дан ортиқ шифокор меҳнат қилмоқда. Кўпмиллатли шифокорлар шаҳаргагина эмас, республикамиз болалар ва оналар соғлиғини муҳофаза қилишга киришганлар.

— Бугунги кунгача шаҳримиздаги кўплаб оналар ва болалар марказда даволанмоқда. Афсуски, ҳали республикамизнинг айрим вилоятларидан келган беморлар кам. Биз барча область соғлиқни сақлаш бошқармаларига мактуб йўллаганмиз, — дейди Қ. Ризаев. — Айниқса, Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан келадиган оналар ва болаларнинг соғлиғини сақлаш учун алоҳида эътибор беряпмиз.

Кўчага чиққанимизда йўловчилар янги очилган марказни сўраб қолишди. Янгийўлдан келаётган оналар ва болалар жумҳурият маркази томон дадил кириб кетишди. Ҳа, оддий фуқаронинг ҳам йўли бу томонларга етди.

М. ПИРМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



Қашқадарё вилояти. Усмон Юсупов районидаги Калинин номли давлат хўжалиги сут-товар фермасининг илғор молбоқарларидан (чапдан ўнгга) Рўзибой Комилов билан Наврўз Абдиевлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар 314 бош соғин сигирни меҳр билан парваришламоқдалар.

Б. ИСМОИЛОВ туширган сурат.

• «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ИШ БИЛГАНГА КЕНГ МАЙДОН

● Қадим-қадимдан одамлар тиричилик, тўқчилик, фаровонлик ҳаракатида бўлишган. Ҳозир ҳам шундай. Ҳар бир киши катта орзу-умидлар билан яшайди. Лекин орзу-умиднинг ўзи на озиқ-овқат, на яхши кийим-кечак бўлади. Иқтисоднётдаги бугунги танглик ҳаммани ўйлатади. Жумладан, биз, оддий кишиларни ҳам бозор иқтисоднёти деб аталаётган вазнят ўйлатиб қўймоқда.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон ССР да тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси билан танишгач, менда баъзи мулоҳазалар туғилди. Аввало, тадбиркорлик ҳақида ўйлангани, бу ҳақда қонун яратишга киришилганининг ўзи таҳсинга лойиқ. Бу — ҳаёт талаби, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни ўнглаб олиш юзасидан кўрилаётган муҳим тадбир деб ҳисоблайман. Чунки энди гап билан иш битмайди, тадбиркорлик иқтисодиётнинг аҳволини ўзгартириши, яхшилаши мумкин.

Тадбиркор кишилар, ишбилармон жамоалар тегишли меҳнат қонунлари асосида ўз тажриба-ю малакалари, ҳисоб-китоб билан иш юритиш қобилиятлари билан иқтисодиётни ривожлантиришга, ижтимоий ҳаётда барқарорликни вужудга келтиришга ҳисса қўшишлари мумкин. Бу жиҳатдан қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлайман.

Лекин, менинг назаримда қонун лойиҳаси ҳажми жуда катта. Тўғри, масаланинг ўзи кўламли. Бироқ шу кўламли масала моҳияти-ю, талабларини ҳуқуқий тилда узундан-узоқ баён қилиш шартмиди? Оддийроқ қилиб, ҳамма тушунадиган тилда лўндароқ баён қилиш имкони топилса фойдаси кўпроқ тегарди, деган хулосага келдим.

Т. ОРТИҚОВ,
Чирчиқ «Электрким ё» бирлашмаси хизматчиси, уруш ва меҳнат ветерани.

ЭРКИН РАҚОБАТЛАШУВ ИМКОНИЯТИ

● «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ўқиб қувондим. Ахир, иқтисоат бизда ҳам халқ фаровонлиги йўлида, қолаверса ўзи учун меҳнат қиладиган ишбилармон, уддабурон кишиларга кенг йўл берилдиган бўлибди-да.

Тўғриси, ўтган даврда яхши ишлаш, ўз касбига садоқат, ишбилармонлик ҳақида кўп гапирдик, амалда уларнинг йўлини тўсдик. Ташаббускор одамларнинг шахсий интилишларини чеклаб қўйдик. Бу — бизнинг жамиятимизга ёт, дея ишлаб чиқаришда тексичиликка амал қилдик. Хуллас, ҳар қандай соҳада ўзини кўрсатмоқчи бўлган уддабурон кишининг қўл-оёғини ипсиз боғладик.

Ҳайрият, қайта қуриш туфайли, қолаверса бугунги республика ҳукуматининг янгиликка интилиши туфайли ўз халқининг истиқболдаги фаровонлигини ўйлаши, ишбилармон кишиларнинг эркин меҳнат қилишлари учун имкониятлар яратиб берилмоқда. Улар тегишли ишлаб чиқариш воситалари ва маблағлари билан таъминланяпти. Жумҳурият ҳукуматининг тадбиркорлик тўғрисида қонун қабул қилиши халқнинг яхши яшаш учун яхши меҳнат қилишни хоҳлаган омилкор кишилар учун ғамхўрлиги деб биламан.

Бироқ фикримча, қонун лойиҳасида ҳали чалкаш бўлган умумий қоидалар, фикрлар анчагина. Уларни жумҳуриятдаги иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, файласуфлар, халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи етакчи мутахассислари, ширкатчилари, қолаверса бу ишда озми-кўпми тажриба орттирган тадбиркор одамлар билан биргаликда кенг муҳокама қилиш зарур.

Лойиҳадаги бўлимларга тегишли фикрларимни айтадиган бўлсам, менимча, III-бўлимдаги 10-модданинг давлат корхонаси ёки унинг бўлинмаси: «мол-мулки ижарага топширилиши йўли билан» дейилган гапни «мол-мулки узоқ муддатга (масалан, беш йилдан 25 йилгача) ижарага топширилиши йўли билан тадбиркорлик ташкилотига айлантирилиши мумкин» деб аниқ қилиб ёзиб қўйиш керак. Негаки, қисқа муддат ичида рақобатбардош корхона ёки ташкилот тузиб бўлмайди.

Шу бўлимдаги «Тадбиркорлик ташкилоти (ширкат)ни тугатиш» сарлавҳали 13-моддада: «суд ёки ҳакамликнинг қарорига биноан тугатилади» дейилмасдан, «Ўзбекистон ССР ҳуқуқ ёки меҳнат қонунларига зид бўлган тақдирда суд ёки ҳакамлик қарорига биноан тугатилади» деб ўзгартирилгани маъқул.

Лойиҳадаги 4-бўлимнинг «Тадбиркорликка солиқ солиш» сарлавҳали 15-моддасида: «Ўз фаолиятини эндигина бошлаётган кичик ва хусусий корхоналар (ширкатлар) дастлабки 2 йил мобайнида солиқ солинишида имтиёзли шартлардан фойдаланадилар» дейиш ўрнига: «улардаги молиявий аҳволни ҳисобга олган ҳолда дастлабки 3—5 йил мобайнида солиқ солинишида имтиёзли шартлардан фойдаланадилар» деб қўйилса, айни муддао бўлур эди. Чунки кичик ва хусусий корхоналар дастлабки йилларда ўзларини тиклаб олишлари қийин кечади. Бунинг устига улар йирик корхоналар таъсирида синиб қолиш хавфи бор.

Умуман олганда, тадбиркорлик тўғрисидаги қонун қабул қилинса, у жумҳуриятимизда хўжалик юритиш шаклларини эркин танлаш, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув шароитлари яратилишига, энг муҳими эса, республика иқтисодиётининг ўнгланишига ёрдам беради.

В. ДАДАБОЕВ,
Чкалов номидаги Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандиси.

• Афғонистон:

ВАЗИЯТ НОТИНЧ

● Ўтган кеча-кундузда муросасиз оппозиция экстремистлари Афғонистон пойтахти Кобулни учта реактив снаряд билан ўққа тутишди. Снарядларнинг портлаши натижасида олти киши яраланди, бир нечта уй вайрон бўлди.

Афғонистон жумҳурияти хавфсизлик идоралари Нанграҳор вилоятида оппозициядаги «Афғонистон ислом жамияти» (АИЖ)дан бўлган террорчилар фаол гуруҳини тугатиш юзасидан муваффақиятли операция ўтказди. Узоқ вақт мобайнида Жалолобод-Мехтарлам йўлида қўпорувчилик ишлари билан шуғулланиб келган олти жангари қўлга олинди, деб хабар қилди Бахтар агентлиги. Мамлакатнинг турли жойларида АИЖ билан «Афғонистон ислом партияси» (АИП) отрядлари ўртасида яна тўқнашувлар бўлиб ўтгани қайд этилди. Кобул вилоятининг Шакардара мавзесида замбараклар иштирокида бўлиб ўтган ўзаро жангларда ҳар икки томондан ўнлаб киши ҳалок бўлди ва яраланди. Маҳаллий аҳоли хўжаликларига катта моддий зарар етказилди.

Мамлакат Ғарбидаги Ҳирот вилоятида АИП жангарилари «Ислом жамияти» тузилмалари учун мўлжаллаб қўйган мина устидан ўтган қурол-яроғ ортилган юк машинаси портлаб кетди. Машинадаги бутун юк йўқ бўлиб кетди, беш соқчи ҳалок бўлди.

(ТАСС).

ТАНГЛИК ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ МУҲОКАМАСИДА

СТРАСБУРГ. (Қуйи Рейн департаменти).

ТАСС мухбири Александр Кривих шу ердан хабар қилади. Навбатдаги сессияга тўпланган Европа парламенти депутатлари Форс кўрфази минтақасидаги тангликни бартараф этиш муаммолари ва Болтиқбўйидаги аҳвол хусусида баҳсларни давом эттирдилар. Сессияда иштирок этаётган шарҳловчилар Европа парламенти аъзоларининг нутқларини шарҳлаб, «Умумий бозор» мамлакатларининг вакиллари Форс кўрфази минтақасидаги можарога янги мамлакатларни, хусусан Исроилни жалб этишга якдиллик билан қарши чиқаётганликларини таъкидламоқдалар. Улар тангликни тинч ҳал этиш йўлини излаш керак, деб ҳисоблашмоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорини бажариш учун ҳарбий кучдан фойдаланишга келганда эса, бу хусусда сессия қатнашчиларининг фикри турлича бўлди.

Болтиқбўйидаги вазиятга бағишланган баҳслар давом эттирилди. Европа ҳамжамияти қуролли кучлардан фойдаланишни қоралаб, СССР раҳбарнятини мулоқотга даъват этди.

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

• ОЛОВЛИ НУҚТАЛАРДА

САҲРОДА БЎРОН

Шу йилнинг 17 январь куни ер курраси бўйлаб «Саҳрода бўрон» номи билан уруш бошланганлиги ҳақида нохуш хабар тарқалди. Маълумки, дунё аҳли Форс кўрфазидаги танглиқдан хабардор эди. Аммо, бу танглик катта урушга айланиб кетишини унча кутмаганди. Мана энди уруш бошланди. Вайроналар, ўлимлар, ёнғинлар офати авжига минмоқда. Бундай даҳшатга кимлар сабаб, қандай омиллар олиб келди?

Форс кўрфази атрофида 8 та давлат жойлашган. Булар Ироқ, Эрон, Саудия Арабистони, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Катар, Омон, Баҳрайндир. Уларнинг умумий майдони 5,5 миллион квадрат километр бўлиб, 77 миллион аҳоли истиқомат қилади. Бир йилда 605 миллион тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бу бойлик ўша ерлик халқларни фаровонликка олиб келди. Ҳарбий ҳаражатларнинг ошишига ҳам бу маълум даражада туртки бўлди. Жон бошига ҳисоблаганда, бу минтақадаги ҳарбий ҳаражат дунёда энг юқори кўрсаткичга етди. Масалан, аҳоли жон бошига Саудия Арабистони 2400 доллар, Катар 1700 доллар маблағини ҳарбий мақсадларга сарфлаган. Ғарб манбалари маълумотларига қараганда, Эрон—Ироқ уруши давомида Ироқ 90 миллиард, Эрон 50 миллиард доллар маблағни ишлатган. Айниқса, Ироқ Миср—Исроил урушидан сабоқ чиқариб, араб дунёсида кучли ҳарбий саноат қувватига эга бўлиш учун кўп куч сарфлади. 1970—1980 йиллар ичида у сезиларли ютуққа эришди. Ироқ ўз кучини Эрон билан бўлган урушда синаб кўрди. 1980—1988 йиллар ичида, Эрзерум шартномаси бўйича 1847 йили белгиланган Шатт ал—Араб дарёси бўйича ўтадиган чегара, Абу Муса, Кичик ва Катта Томб оролларини қайтариб олиш мақсадида Эрон билан уруш олиб борди. Бироқ ҳеч нарсага эриша олмади. Аммо катта талофат кўрди. Икки томон миллиондан ортиқ фуқарони йўқотди. Биргина Ироқда 300 мингдан ортиқ киши ногирон, майиб, мажруҳ бўлиб қолди. Ироқ 500 миллиард доллардан ортиқ зарар кўрди. Шу оғир кунларда Форс кўрфазидаги бошқа араб давлатлари ёрдамга келди. Айниқса, Қувайт катта иқтисодий ёрдам берди... Ироқ эса ўз навбатида бунга Қувайтни босиб олиш билан жавоб қилди.

Қувайт—Арабистон ярим оролининг шимоли шарқида жойлашган кичик амирлик бўлиб, майдони салкам 21 минг квадрат километр, аҳолиси салкам 2 миллион кишидан иборат. Шуларнинг фақат 42 фоизини қувайтликлар ташкил этади, холос. Қувайт XVIII асрда Сабоҳлар оиласи томонидан асосланган. Амир шайх Жабир ал—Аҳмад—Жабир ас—Сабоҳ шу династиянинг 13-вакилидир. Маълумки, нефтга бой бу ўлка осмонида озмунча қора булутлар пайдо бўлмади. 1871 йилда Қувайтни турклар, сўнгра Англия қўлга киритди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Қувайтга Америка капитали суқилиб кира бошлади. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, нефть заҳиралари бўйича Қувайт дунёда биринчи ўринда турибди. Нефть қидириш, қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш то 1975 йилгача инглиз-америка нефть компанияси — «Қувайт ойл компани» қўлида бўлди. Ҳозирги кунда ҳам унинг таъсири сезиларлидир. АҚШ ўзининг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларининг 23 фоизини Қувайт нефти ҳисобига қондириб келган.

Тарихий манбалардан маълумки, 1922 йили Ироқ билан Қувайт ўртасида чегара аниқланган, 1963 йилга келиб Ироқ Қувайтнинг мустақиллигини тан олади. Бироқ 1973 йилга келиб, Ироқ томони айрим давлатларга чегара даъвосини кўтариб чиқади. Шу жумладан, Қувайтнинг Умм—Касруги яқин ерларига, Форс кўрфазидаги Варба ва Бубиян ороллларига даъволар қила бошлади, уни тезлик билан беришга Қувайт раҳбарларини мажбур қилди. Қувайт томонининг ён босмаётганлигини сезган Ироқ раҳбарлари уни ОПЕК ўрнатган нефть ишлаб чиқариш нормасини бузганликда, Ироқ ерларининг айрим қисмларини босиб олганликда, империализм ва сионизмга ён босишда айблай бошлайди.

Ироқ президенти Саддам Ҳусайннинг бу найранги пуч ва асоссиз бўлиб, мақсад жаҳон жамоатчилиги, айниқса, араб дунёсида ўзи белгилаб қўйган мудҳиш режани оқлаш учун афкор омма фикрини ўз томонига оғдиришдан иборат эди. Бироқ вазият у кутгандай бўлмади. Форс кўрфази давлатлари, Эрондан ташқари барчаси, бу босқинчиликни қаттиқ қоралаб, Қувайтдан тез чиқиб кетишни талаб қилдилар. Улар Катар пойтахтида тўпланиб, «Дохо декларацияси»ни қабул қилиб, бу давлатларнинг кейинги йиғилиши озод Қувайтда бўлишига ишонч билдирдилар. Араб дунёси ҳам асосан Ироқ йўлини қаттиқ қоралади. Фақат араб мамлакатларидан Иордания, Ливия, Яман, Фаластин Озодлик ҳаракати раҳбарлари Саддам Ҳусайнни қўллаб-қувватламоқда. Бунинг бир неча томонлари бор. Биринчидан, босқинчилик бошланиши билан АҚШ ҳукумати Ироқ олдига Қувайтдан чиқиб кетишни қатъий қилиб қўйди, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кучидан фойдаланишга киришди. Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий 5 та аъзоси — АҚШ, Англия, СССР, Франция, Хитой хайрихоҳлиги билан бу ташкилотнинг мажлиси чақирилди. Ироққа қарши иқтисодий қамал амалга оширилди. Охири барча ҳаракатлар бефойда кетганидан кейин Ҳавфсизлик Кенгашининг кўпчилик аъзолари қўллаган 678 рақамли қарори пайдо бўлди. Бунда Ироққа Қувайтдан чиқиб кетиши учун 45 кунлик муҳлат берилди. Бу давр ичида катта дипломатик ташаббуслар амалга оширилди. Кўп учрашувлар бўлди. Аммо Саддам Ҳусайн Қувайтдан чиқиб кетмаслигини, БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши қарорини тан олмаслигини қатъий таъкидлаб, урушга қарор қилди.

Маълумки, АҚШ Исроил тарафини олиб, араб дунёсида ўз мавқеини анча кетказиб қўйган. Қолаверса, БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг Фаластин масаласи бўйича қабул қилган қарорлари ҳамон бажарилмаётир. Уларда қонуний савол туғилмоқдаки, нима учун бу нуфузли халқаро ташкилот ўзининг бошқа қарорларини бунчалик изчиллик билан амалга оширишга интилмади. Иккинчидан, 1967 йилдан бери Исроил Фаластин ерларини, Сурияннинг Жўлон тепалигини ишғол қилиб турибди. Ливан тинимсиз ички низолар, қон тўкишлар ўчоғига айлантирилиб қўйилди. Бу ҳолат ҳам Саддам Ҳусайнга, АҚШ ва БМТ олдига қаттиқ масала қўйиш имконини туғдирди. У айтдики, агар Фаластин ерлари озод қилинса, Ироқ ҳам Қувайтдан чиқиб кетади. Бунга жавоб йўқ. Охири 15 январь ҳам тугади. Қадимий Бағдод АҚШнинг А—10, Ф—15—Е, Ф—16, В—52, Франциянинг «Ягуар», Англиянинг «Торнодо» ҳарбий тайёралари ҳужумига дучор бўлди. Қонли, даҳшатли уруш аланга олди. Кўрфаз атрофида АҚШнинг 1350 та тайёраси, 108 та кемаси, шу жумладан 6 та авианосеци, 20 та узоқ радиусга учадиган, ядро қуроли элтадиган «В—52» тайёраси, минглаб аскарлар, танклар ва бошқа ҳарбий техника тўпланди. 28 давлат қўшинларидан ташкил топган кўп миллатли кучлар Америка генерали қўмондонлигида Ироққа дастлабки шиддатли зарбани берди.

Ҳарбий мутахассисларнинг айтишича, урушнинг бошланиши АҚШ фойдасига ҳал бўлди. Ироқнинг ҳарбий ҳаво кучларидан мудофаа воситалари бирданига ишдан чиқарилди. Ҳарбий объектларга катта зарар етказилди. Жаҳон ахборот агентликлари турли-туман хабарларни тарқатмоқда. Маълум бўлишича, Саддам Ҳусайн жума намозида қатнашган, шаҳар кўчаси бўйлаб юриб, аҳолининг руҳини кўтарган, бомбалардан зарар кўрган объектларни кўздан кечирган. Ироқнинг дастлабки ракеталари Саудия Арабистони билан Исроилга учирилди. Бу ҳам бежиз эмас. Саудия Арабистонида АҚШнинг асосий кучлари жойлашган, у ерда қочоқдаги Қувайт ҳукумати ҳам фаолият кўрсатмоқда. Исроилга ҳужум катта тактик моҳиятга эга. Маълумки, агар Исроил ҳам урушда қатнашадиган бўлса, кучлар нисбати батамом ўзгариб кетиши мумкин. Чунончи Сурия ва бошқа қатор араб давлатлари Ироққа эмас, балки Исроилга қарши уруш қилишлари мумкин. Шу сабабли ҳам АҚШ президенти Буш Исроилни сабрли бўлишга чорлаб, унинг учун ҳам АҚШ Ироқдан ўч олажаклигини билдирмоқда. Урушнинг тез тугаши ҳақидаги фикрлар барбод бўлмоқда. Мана, неча кеча-кундузки уруш давом этмоқда. Унинг алангасини ўчиришга эришилмаётир. Шу ўринда Саддам Ҳусайннинг уруш узоқ давом этиши ҳақидаги фикри ҳам одамни ўйлантириб қўяди. У нимага шаъма қилаётир, нимага баландпарвоз сўзларни таъкидлаган Ироқ армиясининг бош қўмондони жангда ўзини кўрсата олмаётир. Аҳвол ташвишли. Ироқ армияси кучли тайёргарликлар кўрганини ҳамма билади. Саддам Ҳусайн оддий халқнинг мададига ҳам умид қилмоқда, ҳақиқий уруш АҚШ биринчи тобутларини қабул қилиб олганидан кейин бошланади, демоқда. Шу боисдан бўлса керак, миллион кишилик армияга эга бўлган Ироқ 1954, 1955, 1956 йилларда туғилган фуқаролари учун сафарбарлик эълон қилди.

Ер юзининг турли районларида, ҳатто АҚШнинг ўзида ҳам урушни тезлик билан тўхтатиш, можарони снёсий йўллар билан ҳал қилишни талаб этувчи митинглар бўлиб ўтмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари ҳам Бағдод снёсатини қоралаб, Қувайтнинг озод бўлишини талаб қилмоқдалар. Бундай руҳ СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Форс кўрфазидаги воқеаларга бағишланган баёнотида ўз ифодасини топди. Жойлардан келаётган телеграммаларда, урушнинг хавфли тус олиб кетишига йўл қўймаслик талаб қилинмоқда. «Мамлакат раҳбарияти, дейилади СССР Президентининг баёнотида, — бошқа мамлакатлар билан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, урушни тезроқ тўхтатиш ва тинчликни тиклаш учун ҳамма чора тадбирларни кўришига совет халқининг ишончи комил бўлаверсин».

Етти мингдан ортиқ урушнинг гувоҳи бўлган кўҳна тарих, урушнинг кичик ва каттаси ҳам барч бир офат, инсоният бошига катта кулфатлар келтиришидан сабоқ бериб турипти. Саҳрода бўрон тезроқ тўхташига, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлишига умидвормиз.

Э. ҲАНИТБОЕВ,
тарих фанлари номзоди.

ҲАҚИҚАТНИ ЯШИРИШГА УРИНИШМОҚДА

ТАСС мухбири Виктор Честяков БОННдан хабар беради:

Ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган минтақадан Ироқнинг ва кўп миллатли кучларнинг талафотлари тўғрисида берилаётган хабарлар оммага онгли равишда ва собитқадамлик билан руҳий таъсир ўтказишга қаратилган. Европа парламентининг депутати, Германия оппозициячи социал демократик партиясининг вакили Дитер Шинцель шу ҳақда гапирди.

Д. Шинцель Кельнда чиқадиган «Экспресс» газетасида эълон қилинган суҳбатда урушаётган ҳар иккала томон — АҚШ ҳам, Ироқ ҳам кўп миллатли кучлар Бағдодга ва Ироқ ҳудудидаги бошқа ниишоотларга бераётган ракета — бомба зарблари натижасида ҳалок бўлган ва жароҳатланганлар тўғрисидаги ҳақиқий маълумотларни яширишга уринмоқда.

ХУШХАБАРЛАР

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Хўжалик ҳисобидаги Андижон тажриба-таъмирлаш корхонасида «Сувчи» деб номланган микроавтобусларни ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

Микроавтобусга саккиз йўловчи сиғадиган бўлади. Бундай енгил ва қулай транспорт воситасининг дастлабки намуналари бу йил Андижон шаҳри кўчаларида синовдан ўтказилиб, келаси йилдан бошлаб эса оммавий ишлаб чиқаришга киришилади.

— Микроавтобусларнинг шу жойда тайёрланиши уларни бошқа жумҳуриятлардан олиб келишга нисбатан 4—5 баробар арзонга тушади, — дейди корхона директори Ш. Хўжамбердиев. — Ана шуни ҳисобга олиб, тез орада «Москвич» фургон автомашиналарини қайта жиҳозлаш ҳисобига яна бир турдаги микроавтобус ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Чунки жумҳуриятимизда бундай кичик литражли микроавтобусларга талаб катта.

Ҳақ гап. Бугунги кунда жумҳуриятимизда тайёрига айёрлик қайфияти ҳукм сураётган ҳоллар кам эмас. Бизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган кўпдан-кўп маҳсулотларнинг четдан келтирилишига кўз тикиб турилибди. Ваҳолонки, озгина тадбиркорлик кўрсатилса, турмуш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бемалол ўзлаштириш мумкин.

Тажриба-таъмирлаш заводида худди ана шундай омилкорлик, ишбилармонлик туфайли ўтган йили хусусий уйлар учун буғ қозонлари тайёрлаш йўлга қўйилган эди. 1990 йилнинг ўзида 700 та буғ қозони ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига жўнатилди. Бу йил 1000 та буғ қозони тайёрлаш юзасидан шартнома тузилган.

Излаган имконият топар деганларидек, корхонада ўтган йили ички имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига 200 минг сўм фойда олинди. Шу заводда ишлаб уй солаётган 10 кишига фоизсиз қарз берилди. Бу йил корхонада олинган фойда кўпайса, ана шу қарзларни бутунлай кечиб юбориш кўзда тутилмоқда.

К. НИШОНОВ,
Андижон вилояти.

●

КИЧИК КОРХОНАЛАР ҲИССАСИ

Дўстлик районида бешта оҳак цехи ва шунча тегирмон ишлаб турибди. Яқинда тўртта хўжаликда зиғир ёғи ишлаб чиқарувчи қурилмалардан фойдаланила бошланди.

Эндиликда аҳолига кунига 100—120 килограмм шифобахш ва тўйимли зиғир ёғи сотиляпти.

Янги йилдан бошлаб район дўконларида пайдо бўлган пишлоқ «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги давлат-кооперативи хўжалигида тайёрланмоқда. «Октябрь 50 йиллиги» давлат кооперативи бирлашмасида эса буюртма асосида темир дарвоза, панжара, каровот ҳамда арава тайёрлайдиган устахона очилди. Шунингдек, мазкур хўжаликда кир совун, бўёқ ва мих ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Кичик корхоналар фаолияти аҳолининг жуда кўп муаммоларини ижобий ҳал этишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● **Тарбиячи Ҳимоят Сатимова Жомбой райони марказидаги Наврўз номли 4-боғчада ишлайди. У кичкинтойларни жон-дилидан яхши кўради.**

Боғча замонавий услубда қурилган бўлиб, барча қулайликларга эга. Бу ерда 200 бола тарбияланади.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

● Ўзбекистон-Туркия:

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ

Тошкентда Ўзбекистон — Туркия дўстлик жамияти таъсис этилди. Шу муносабат билан мухбиримиз СССР — Туркия дўстлик жамияти правлениесининг аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Анвар Маҳмудович Қосимов билан суҳбатлашди.

— Анвар Маҳмудович, сиз янги жамият ташкилотчи гуруҳларидан бири сифатида ўтган йилнинг декабрь ойида Москвада СССР — Туркия жамиятининг ташкил топишига бағишланган таъсис конференциясида қатнашгансиз. 70-йилларда Совет Иттифоқининг Туркиядаги элчихонасида биринчи котиб сифатида ишлагансиз. Демак, ўз-ўзидан маълумки, икки мамлакат ҳақларининг алоқалари ҳақида бир қатор воқеаларнинг шоҳидисиз.

— Ҳа, шундай. Бизнинг ташкилот гуруҳимиз сафида республикамизнинг олимлари, ёзувчилари, журналистлари, ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари бор. Биз ўша анжуманда қатнашиб, келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган бир қатор вазифаларни белгилаб олганмиз. Ташаббускор группамиз янги жамиятнинг устави ва бошланғич ташкилотлар тўғрисидаги низом лойиҳаларини ишлаб чиққан.

— Таъсисчилар орасида қандай ташкилотлар бор?

— Булар орасида Тошкент метрополитени, Бухоро қоракўлчилик заводи, Қаршидаги «Шўртангаз» бирлашмаси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, «Узавиабанк», Ўзбек Совет Қомуси таҳририяти, «Мулоқот» ойномаси ва бошқалар бор.

Янги жамиятнинг асосий мақсади ва вазифалари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, ўзаро тушунча ва ишонч, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришда яқиндан кўмаклашишдир.

— Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги қадимий алоқаларимизга ҳам назар ташласак, айни муддао бўлур эди.

— Қадимда диёрларимизни катта карвон йўли — яъни Буюк ипак йўли бирлаштириб турган. Бу йўлда қатнаган юзлаб карвонлар бир-бирларига ранг-баранг молларни етказиш билан бирга маданиятларимизни ҳам яқинлаштиришда катта хизмат қилган. Кейинчалик бу карвон йўли баъзи сабаблар билан тўхтаб қолган.

Тарихий саҳифаларга назар ташласак, жуда кўп ёркин лавҳаларни кўрамиз. Туркиянинг кўпгина шаҳарларида хизмат юзасидан бўлганимда қувонарли воқеаларнинг шоҳиди бўлганман.

Турклар ўзбек халқининг тарихий маданияти арбобларини ва уларнинг асарларини яхши ҳурмат қилишади. Буни улуғ ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг айрим асарлари Туркиядаги шарқ мамлакатлари маданияти музейида эъзоэлаб сақланаётганлигидан ҳам билиш мумкин. Бундан ташқари у ерда Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» сингари достонлари ва ғазаллари чоп этилган. Айниқса, ўзбек шоири асарларидаги барча миниатюралар алоҳида альбомлар ҳолида жуда ҳам сифатли чиқарилганлиги кишини қувонтиради.

Туркияда Отатурк асос солган турк тарихий жамияти олимлари олиб бораётган тадқиқот ишлари ҳам таҳсинга сазовордир. Бу илмий масканни биздаги фанлар академияси даражасида тасаввур қилиш мумкин. Бу масканда «Бобурнома» турк тилида тайёрланиб илмий таҳлили билан чиқарилганлиги жуда улкан ишдир. Бундан ташқари Туркиянинг Кония шаҳрида ўзбек классик шоири Жалолиддин Румийнинг мақбараси ҳозирда ҳам яхши сақланмоқда. Бу ёдгорлик ҳукумат назоратида бўлиб, у доимо яхши сақлашга ҳаракат қилинади. Ана шу мақбара ёнида шоирнинг махсус музейи бўлиб, ундан ранг-баранг китоблар ўрин олган.

Турк зиёлилари ва меҳнаткашлари айни чоғда Ўрта Осиё халқларининг Совет ҳокимияти йилларида эришган маданияти ютуқларига ҳам қизиқиш билан қарашади. Қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг бир қатор асарлари у ерда турк тилида нашр этилган. Ёзувчининг асари асосида ишланган «Қизил дуррача» бадиий фильми Тошкент халқаро кинофестивалида катта муваффақият билан намойиш қилинган. Унда бош ролни ижро этган Туркон Шарой Ўрта Осиё томошабинларининг севимли актрисаси бўлиб қолди.

Бундан бир неча ҳафта муқаддам Истамбул университетининг ректори шаҳримизда бўлиб, Тошкент доирилфунуни маъмурияти билан ҳамкорлик шартномасини тузди. Унга биноан ўқитувчилар ва студентлар айирбошланади.

Шу йилнинг ўзида Ўзбекистон — Туркия дўстлик жамияти ўз фаолиятини қизғин олиб боради. Бир неча ҳаваскорлик ансамбллари ва жамоаларини қадимий ва дўст мамлакатга юбориш режасидамиз.

Суҳбатдош:
Абдулла ПУЛАТОВ.

● **Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги диққатига!**

МУШТАРИЙЛАР ЭЪТИРОЗИ

Матбуот нашрлари ўз вақтида тўлиқ етказиб берилмаяпти. Нега?

Чўртан балиқ, қисқичбақа ва оққуш ҳақидаги масал эсингиздами? Улар битта аравани турли томонга қараб жон-жаҳдлари билан тортадилар. Лекин ўрнидан жилдира олмайдилар. Камина матбуот нашрларининг ўз муштарийларига қандай етиб бораётгани билан танишгач, шу масал ҳаёлимдан кетмай қолди. Негаки, матбуот нашрларининг ҳозирги аҳволи журналистлар, транспорт воситалари ва алоқа тармоқлари ходимлари ўртасида қолган аравани эслатарди.

Журналистлар рўзномалар сифати, ўқимишлигини ошириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Транспорт воситалари ходимлари вилоятлар марказларига ва жойларга матбуот нашрларини бундан ўн-ўн беш йил муқаддам қандай етказиб берган бўлсалар ҳозир ҳам шу усулда ҳаракат қилишяпти. Ўз навбатида айрим алоқа тармоқлари ва бўлимлари ходимлари ҳам «Қўлимиздан келганича ишлаяпмиз-у» дея лоқайдлик ботқоғи томон имиллаб боришяпти. Оқибатда муштарийлар матбуот нашрларини ўз вақтида ололмай азият чекмоқдалар. Ҳолбуки, рўзнома ва ойномаларнинг нархи бир неча баробар кўтарилганлиги сабаби қоғоз баҳоси ва алоқа хизмати ҳаражатларининг ошгани билан изоҳланган эди-ку! Қимматлашган бўлишига қарамай, муштарийлар матбуот нашрларининг ўзларига маслакдош бўлиши ва алоқа хизматларининг тубдан яхшиланишига умид боғлаб обуна бўлишганди. Афсуски, янги йилнинг бошиданоқ уларнинг умиди сароб бўлиб чиқяпти. Наманган вилоятида айрим рўзнома ва ҳафтаномалар ўз эгаларига бир-икки кунлаб эмас, ҳатто, ўн беш кунлаб етиб бормаяпти.

— 72 сўмлик рўзнома ва ойномага обуна бўлганман, — дейди Уйчи районидаги «Қизил равот» совхози иқтисодчиси Абдусалом Ҳакимов. — Аммо январь ойининг ярми ўтиб қолган бўлса ҳам «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг бирорта сонини олганим йўқ. Фақат бу эмас, «Муштум» ҳафтаномаси ҳам келмаяпти. Обуна бўлганлигим ҳақидаги квитанцияларни олиб, бизга хизмат кўрсатадиган «Қизил равот» алоқа бўлимига бордим. Бўлим бошлиғи Людмила Осмонова: «Район матбуот тарқатиш бўлимидан квитанциянгизнинг бизга тегишли қисми келгани йўқ. Мен билмайман. Ўша ерга бориб суриштириб келинг», — деди.

Қизиқ, нега муштарийлар рўзномаларга ёзилишгач унинг орқасидан сарсон бўлиб юришлари керак? У ҳолда алоқа бўлимидагилар нима иш қилишади? Биз нима сабабдан бундай бўлаётганига тушуна олмай «Қизил равот» алоқа бўлимига бордик, маълумот йўқ.

Биз бу чалкашликларга аниқлик киритиш мақсадида Уйчи район матбуот тарқатиш бўлимига келиб, ҳайрон қолдик. Бўлим бошлиғи Абдусамад Мирзаев хонасидаги стол устида бир даста (юздан ортиқ) ўтган йилнинг октябрь ойида пуллари тўланган «Ёш куч» ойномасининг квитанциялари ётарди. Ҳолбуки, бу квитанциялар ўтган йилдаёқ алоқа бўлимларига Л. Осмонова: «А. Ҳакимов хонадонига «Совет Ўзбекистони» рўзномаси шу кунларда мунтазам етказиб бериляпти.» — деб туриб олди.

Ниҳоят, Людмила Осмоновани Ҳакимовлар хонадонига бошлаб олиб бордик, у рўзнома келмаётганлигига ишонч ҳосил қилди. Буни участка матбуот тарқатувчиси М. Хуснулина ҳам тасдиқлади. Я. Осмонова эса ер чизиб қолди. Лекин орадан кўп ўтмай у ўзини ўнглаб олди-да, алоқа бўлимидаги ҳамма ишлар жойида эканлиги ҳақида лоф ура кетди. Афсуски, бу гал ҳам унинг гаплари ёлғон бўлиб чиқди. Маълум бўлишича 600 га яқин ойнома ва рўзномаларнинг квитанциялари 12 январь кунигина алоқа бўлимига келиб тушган экан. Шундан 26 таси «Совет Ўзбекистони» рўзномасига тегишли. Кўриниб турибдики, 12 январга қадар 26 хонадон «Совет Ўзбекистони»ни ололмаган, А. Ҳакимов хонадонига эса биз борган 16 январь куни ҳам рўзнома келмаганди. Бундан ташқари, алоқа бўлимидан неча киши рўзнома ва ойнома олиши тўғрисида шу пайтга қадар район матбуот тарқатиш бўлими билан келишилган аниқ етиб борган бўлиши лозим эди. Биз рўзнома ва ойномаларнинг квитанциялари нима учун бир неча ойлаб кечикиб бораётгани, стол устидаги бу квитанциялар алоқа бўлимларига қачон юборилиши кераклиги билан қизиқдик. Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Ушбу бўлим инспектори Алишер Отажонов бошлиқ хонасида шовқин кўтариб, бизга ўшқира бошлади:

— Шу квитанцияларни жойларга юборамиз, деб кунига 18 соатлаб ишлаяпмиз. Ҳеч ким раҳмат демаяпти. Ҳамма келиб, сизларга ўхшаб асабимизга тегади, холос!

Бу ердаги ҳурматли ўртоқлар билан яна суҳбатлашиш ортиқча эди. Ортимизга қайтдик. Район матбуот тарқатиш бўлими ходимлари кунига 18 соатлаб эмас, балки иш вақтининг ўзида виждонан меҳнат қилганларида эди, юзлаб квитанциялар бу ерда уч-тўрт ойлаб қалашиб ётмаган, жойларда эса одамлар ўзлари ёзилган рўзнома ва ойномаларни ололмай сарсон-саргардон бўлмаган бўларди.

Матбуот тарқатиш бўлими ва алоқа бўлимлари ходимларининг айби билан муштарийлар азият чекаётгани камлик қилаётганидек, рўзномаларнинг алоқа бўлимларига кечикиб, ҳатто, бир неча юзлаб кам етказиб берилаётгани дард устига чипқон бўлмоқда.

— Ўтган йили «Совет Ўзбекистони», «Ёш ленинчи», «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномаларидан бир неча юзлаб кам келиш ҳоллари кўп бўларди, — дейди район алоқа тармоқлари бошлиғи Мўминжон Ҳалилов. — Янги йилдан шу ҳол яна такрорлана бошланларнинг алоқа бўлимларига кечикиб, ҳатто, бир неча юзлаб кам етказиб берилаётгани дард устига чипқон бўлмоқда.

— Ўтган йили «Совет Ўзбекистони», «Ёш ленинчи», «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномаларидан бир неча юзлаб кам келиш ҳоллари кўп бўларди, — дейди район алоқа тармоқлари бошлиғи Мўминжон Ҳалилов. — Янги йилдан шу ҳол яна такрорлана бошланди. 5 январь куни чоп этилган «Ёш ленинчи» бир бойлам — 400 дона кам келди. Қолган рўзнома ва ойномалар ҳам бундан буён тўлиқ келишига унча ишонч йўқ. Матбуот нашрларининг нархи бир неча баробар ошган ҳозирги шароитда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Тўғри, лекин буни ҳамма ҳам тушунишни истаётгани йўқ. Лоқайдлик, масъулиятсизлик тобора чуқур илдиз отмоқда. Жумладан, Тўрақўрғон район алоқа бўлимига «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 8 январда чиққан сони 236 нусха кам етказиб берилди. Вилоят матбуот қабул қилиш ва саралаш бўлими («Главпочтампт»)га телеграмма юборилгач, бор-йўғи яна 36 дона рўзнома олинди. Қолган 200 донаси қаёққа ғойиб бўлгани номаълум.

Қишлоқ хонадонлари эшигидан кейин биз алоқа бўлимларига, бу ердан район матбуот тарқатиш бўлимларига, сўнгра эса вилоят матбуот нашрлари қабул қилиш ва саралаш бош бўлими («Главпочтамт»)га қадам ранжида қилар эканмиз, нуқсон ва муаммолар пуфакдай шишиб, тобора катталашиб борарди. Вилоят бош почтамтида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Келинг, яхшиси баъзи далилларни келтирайлик:

Янгиқўрғон райони матбуот тарқатиш бўлимига «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг биринчи сонидан 289 дона кам келди.

Чуст район матбуот тарқатиш бўлимига 7 январда чоп этилган «Совет Ўзбекистони» рўзномасидан икки бойлам — 600 дона етиб келмади.

Чортоқ райони матбуот тарқатиш бўлимига «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг бир бойлам (300 дона) иккинчи сони ўрнига бир бойлам «Архитектура строительство Узбекистана» журнали алмашиб келди.

Турли район матбуот тарқатиш бўлимларидан келган бундай норозилик телеграммаларининг кўлами кенг.

Биз шу каби муаммоларга вилоят «Главпочтамт»идаги мутасаддилардан изоҳ сўрагандик, уларнинг ҳасратидан ҳанг чиқди.

— Илгари Тошкентда чоп этиладиган матбуот нашрларини самолётнинг биринчи рейсида келмаслиги, поездда келганда эса баъзан туширишга улгурилмай бошқа шаҳарга кетиб қолиши ҳоллари содир бўлиб турарди, — дейди вилоят «Главпочтамт» бошлиғи И. Нажимов. — Ҳозир ҳам кундалик рўзномаларни самолётнинг эрталабки рейсида ололмаяпмиз, бу уларнинг жойларга кечикиб боришига сабаб бўляпти. Ҳаво йўли ва темир йўл транспортларининг рўзномаларни вақтида етказиб беришлари учун биз кафолат беролмаймиз-ку, ахир! Матбуот нашрларининг кам ва алмашиб келаётгани ҳақида ҳам жиддийроқ ўйлаб кўриш керак.

Кўриниб турибдики, калаванинг учи ҳамон кўринмаяпти. Унинг давоми эса Алоқа вазирлиги ҳамда авиация, темир йўл бошқармалари томон етаклаб бормоқда. Ўйлаймизки, мутасадди раҳбарларнинг бу масалада биргаликда бамаслаҳат иш юритиш пайти келди. Улар аниқ ҳаракат қилиш ҳақида қанча тез келишиб олсалар, шунча яхши бўларди. Акс ҳолда муштарийларнинг эътироз ва норозиликлари авж олиб бораверади. Айниқса, ҳозирги шароитда бу вазиятни кўриб-кўрмасликка олиш асло мумкин эмас.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПРЕЗИДИУМИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тилшунослик институти директори, адабиёт институти директори

БУШ ЛАВОЗИМЛАРИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Филология фанлари доктори илмий даражасига эга бўлган етакчи олимлар, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари ва мухбир аъзолари танловда иштирок этишлари мумкин.

Танлов иштирокчилари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: мутахассисларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, 4 та фотосурат, таржимаи ҳоли, олий ўқув юртини битирганлиги ҳамда илмий даража берилганлиги тўғрисидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати, меҳнат жамоаси ёки бошқа ташкилот, орган томонидан номзодликка тавсия этилганлиги тўғрисидаги йиғин баёни.

Номзодликка тавсия этиш ҳуқуқи Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумига ва ижтимоий фанлар бўлинмасига, бошқа илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг илмий кенгашларига, жамиятларга, ассоциацияларга ҳавола этилади.

Ҳужжатлар— эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинди: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Гоголь кўчаси, 70-уй, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми, ижтимоий фанлар бўлинмаси, телефон: 33-82-52.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги муассасалар Бош бошқармаси Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Шифокорлик-пардоз маркази қошидаги

РЕСПУБЛИКА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ПАРДОЗЛАШ КУРСИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— **даволаш пардози бўйича** (ўрта тиббий маълумотга эга бўлган шахслар учун).

Ўқиш муддати — 1 ой, ўқиш учун 295 сўм ҳақ тўланади.

— **даволаш пардози бўйича** (ўрта маълумотли шахслар учун).

Ўқиш муддати — 1 ой, ўқиш учун 305 сўм ҳақ тўланади.

Машғулотларни юксак малакали мутахассислар олиб боришади.

Ўқиш сўнггида соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлаш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома берилади.

Машғулотлар гуруҳлар тўлишига қараб якшанбадан ташқари ҳар куни ўтказиладн.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-12-03, 41-18-01.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30, 31 январь соат 19.00 да
1, 2, 3 февраль соат 16.00 ва 19.30 да

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ҲАЗИЛ—3»

ҲАЖВИЯ ВА ҚУШИҚ ҚЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАММАДХУЖАЕВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ ва бошқалар.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Абдурашид РАҲИМОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

14, 15 февраль соат 17.00 ва 20.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ **НАСИБА АБДУЛЛАЕВА** ва **«САМАРҚАНД» АНСАМБЛИНИНГ** ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Баҳром АБДУЛЛАЕВ.

Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси аппаратининг жамоаси, партия ташкилоти ва касаба уюшмаси қўмитаси Марказий Қўмита Аграр сиёсат бўлими мудирининг ўринбосари Э. Ҳасановга отаси

Мамат ҲАСАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

БЎШ КЕЛМАЙМИЗ

● *Факт ва шарҳ*

Бугун Белоруссия пойтахтида дзюдо кураши бўйича СССР халқлари спартакиадаси беллашувлари бошланади. Дастлабки баҳсни дзюдочилар бошлаб беришди. Жамоатчи мухбиримиз Ф. Исаев республика дзюдо терма командаси тренери Мэлс АН билан учрашиб, Ўзбекистон полвонларининг йирик баҳсга қандай тайёргарлик кўришганини шарҳлаб беришин сўради.

— Спартакиада-ю олимпиадага тўрт йил ҳозирлик кўрилади. Зеро, бу муддат шундай тез ўтадики, кўп нарсага улгуролмай қоласан киши. Винобарин, ҳар бир спортчи ва уларнинг устозлари бундай ўзига хос синовдан муваффақиятли ўтишни бир зум ҳам унутмайдилар. Аввалги спартакиадада Ўзбекистон дзюдочилари кучли олтиликдан жой олишган. Шунинг учун ҳам биз асосий эътиборни ана шу мавқени бой бермасликка, совринли ўринларга астойдил интилиб, кўпчиликни мамнун этишга қаратдик.

Республика терма командасига номзодларни саралашда талабчан бўлишга аҳамият берилди. Жумладан, дзюдочиларимиз пухта ҳозирлик билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари соврини учун мусобақада муваффақиятли иштирок этишга интилдилар. Бу нарса ҳар бир полвоннинг масъулият ҳис этаётганида намоён бўлди. Биз эса ана шу мусобақада эришилган натижаларга қараб, терма командамиз таркибини тузишни режалаштирдик. Шу тариқа мусобақа иштирокчилари спартакиадада иштирок этишга даъвогарлик қилишди. Албатта умидли полвонлардан наманганлик Бахтиёр Мадраҳимовнинг кутилмаганда лат еб, мусобақага келолмагани кўпчиликни афсуслантирди. Аммо беллашув мобайнида унинг ўрнини тўлдиришга қодир йигитлар борлигидан қаноат ҳосил қилдик.

Кучлиларни саралаш баҳсида 78 килограмм вазнли ангренлик Олег Деркач, тошкентлик динамочи Армен Богдасаров (86 кг) ҳамда чирчиқлик Дмитрий Соловьев (95 кг) голиблик супасига кўтарилиб, ишончимизни оқлашди. Шунингдек, яқинда Тошкентнинг «Меҳнат резервлари» спорт комплексида ўтказилган мусобақада ҳам спартакиадага номзодларни саралашга тўғри келди. Бу гал 60 килограмм вазнли тошкентлик Фарҳод Огаев, унинг ҳамшаҳри Шуҳрат Ғофуров (65 кг), Артур Бабаян (71 кг), Андрей Герасимов (мутлоқ вазн) ва сурхондарёлик Рустам Эргашев (95 кг)лар спартакиада терма командаси сафини тўлдирдилар. Мусобақаларда спартакиадага муносиб полвонларни саралаш, жумҳуриятимиз терма командасини таркиб топтиришда тажрибали устозлардан Владимир Пятаев, Владимир Мальков, Аркадий Аронов, Юрий Ким ва Олимжон Шонсломовлар яқиндан ёрдам кўрсатишди.

Шундай қилиб, дзюдо бўйича Ўзбекистон терма командаси бугун бошланадиган йирик мусобақага шайланиб турибди. Айни пайтда мухлисларга шуни ҳам маълум қилиш керакки, спартакиада беллашувлари қатори мамлакат биринчилиги ҳам давом этаверади. Чемпионлик учун курашда полвонларимиздан Жума Хавасов, Латиф Қосимов, Мирзаулуғбек Шомирзаев, Максим Васильев, Адҳам Жалолов каби умидли дзюдочилар бор. Катта мусобақага ҳозирланган полвонларнинг аксарияти спорт усталари бўлиб, Иттифоқ, халқаро майдонларда тажриба орттиришган. Ҳарқалай, спартакиада синовидан муваффақиятли ўтишда бўшашмасликка, мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безавиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 4720.

№ 17. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12